
Цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш ишлари Чеккўприк маҳалла фуқаролар йиғинида давом этмоқда
[Аввал хабар берганимиздек](#), Фурқат туманида таъмирталаб ички йўллари цемент-бетон қопламага ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Манзилли дастур асосида тумандаги 7 та аҳоли яшаш пунктида 10 км.дан зиёдроқ масофада ана шундай ички хўжалик йўллари қурилиши белгиланган.

Айни кунларда Чеккўприк маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Янги дунё” кўчасида 600 метр ички йўллар цемент-бетон қоплама билан қайта қуриш ишлари бошланди.

Кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш ва таъмирлаш ишлари манзилли рўйхат асосида маҳаллалар бўйлаб давом этади.

2022-09-18 23:17:04